

А Ж Р И М

(ажрим ёзувидаги хатони тузатиш ҳақида)

2023 йил 14 сентябрь куни Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи: М.Султанова,

ҳайъат аъзолари: Р.Яхёхужаев ва Т.Ражабовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Шариповнинг котиблигида, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг жавобгар Исамиддинов Рустамжон Хамидович ва шерик жавобгар Журабаев Хасан Сайдахматовичга нисбатан жарима ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарорига нисбатан шерик жавобгар Х.Журабаев томонидан берилган апелляция шикоятини фуқаролик иши ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгар Р.Исамиддинов ва шерик жавобгар Х.Журабаевдан солидар тартибда 172.203.805,20 сўм миқдоридаги жарима ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фойдасига жавобгар Р.Исамиддинов ва шерик жавобгар Х.Журабаевдан 85.693.020 сўм жарима солидар тартибда ундириш, шунингдек, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фойдасига Р.Исамиддиновдан 3.427.721 сўм давлат божи учун ва 21.000 сўм почта харажати учун тўланган маблағлар ундирилиши кўрсатилган.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб шерик жавобгар Х.Журабаев томонидан берилган апелляция шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ўзини жавобгарлар сафидан чиқариш сўралган.

Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 ноябрдаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал

қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Бироқ, Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг мазкур ажримини асослантирувчи ва хулоса қисмларида “Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин ҳамда шерик жавобгар Журабаев Хасан Сайдахматовичдан давлат фойдасига апелляция шикоятини топширишда кам тўланган 1.730.216 сўм давлат божи ундирилсин”,- деб ёзиш ўрнига, англашилмовчилик билан “Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин”,-деб ёзилиб, техник хатоликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК нинг 261-моддаси 1-қисмига кўра, суд ҳал қилув қарори ёзувида йўл қўйилган хатоларни ёки очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра тузатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги №12-сонли қарорининг 21-бандида тушунтирилишича, ФПК 261-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қабул қилган суд ҳал қилув қарори ёзувида йўл қўйилган хатоларни ёки очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра тузатиши мумкин ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, суд ўз ташаббуси билан Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 ноябрдаги ажримини асослантирувчи ва хулоса қисмларидаги “Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин”,-деган жумлани, “Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин ҳамда шерик жавобгар Журабаев Хасан Сайдахматовичдан давлат фойдасига апелляция шикоятини топширишда кам тўланган 1.730.216 сўм давлат божи ундирилсин”,-деган жумла билан ўзгартириб, ажрим ёзувидаги хатони тузатишни лозим деб топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ФПК нинг 261,271-272 ва 399-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг жавобгар Исамиддинов Рустамжон Хамидович ва шерик жавобгар Журабаев Хасан Сайдахматовичга нисбатан жарима ундириш

ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарорига нисбатан шерик жавобгар Х.Журабаев томонидан берилган апелляция шикояти юзасидан қабул қилинган Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 ноябрдаги ажримини асослантирувчи ва хулоса қисмларидаги “Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин”,-деган жумла, “Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин ҳамда шерик жавобгар Журабаев Хасан Сайдахматовичдан давлат фойдасига апелляция шикоятини топширишда кам тўланган 1.730.216 сўм давлат божи ундирилсин”,-деган жумла билан ўзгартирилсин ва ажрим ёзувидаги хато тузатилсин.

Раислик этувчи:

М.Султанова

ҳайъат аъзолари:

Р.Яҳёхужаев

Т.Ражабов